

Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш сўровномаси

Ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялашда, яъни, маънавий бой, жисмонан соғлом, дунёвий билимларни эгаллашга қодир, ватанга эътиқодли, ҳаётда фаол, ўзликни англаш каби фазилатларни шакллантиришда маҳалла, ота-она ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги зарур.

Афсуски, барча мамлакатларда бўлгани сингари, бизнинг ёшларимиз орасида ҳам тарбияси оғир ва ноқобил фарзандлар бор, уларнинг тарбияси алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб қилади. Энг асосийси, ўқувчи-ёшлар тарбиясидаги салбий бурилишларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларнинг шахси, ўзига, жамият ва одамларга бўлган муносабатларини ўрганиб боришни тақозо этади.

Мазкур сўровнома Республиканинг барча вилоятлари миқёсида ўтказилиб, ўқувчиларнинг бугунги кундаги турмуш тарзига бўлган муносабатлари, фикри, ватанга эътиқоди, билим олишга бўлган иштиёқи ҳамда келажакда олдига қўйган мақсадларига интилишлари ҳамда уларнинг ижтимоий фикри, ақидапарастлик, жиноятчилик ва суицид ҳолатларига муносабатлари ўрганилади.

Мақсад:

Сўровнома натижаларини, аналитик таҳлил этиш ҳамда ижтимоий муҳит(оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари, мактабдан ташқари)нинг шахс таълим тарбияси жараёнига таъсирини ўрганиш, интеллектуал ривожланишда янгича жаҳон талабларига ҳамда миллий менталитетимизга мос келадиган тарбия услубларини танлаш ва иш жараёнида унумли фойдаланишдан иборат.

Вазифалар:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билан ижтимоий сўровномани ўтказиш;
2. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш методикаси натижаларини аналитик таҳлил этиш;
3. Таҳлил натижаларига кўра таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган услубий қўлланма ва тавсиялар яратиш ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
4. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш орқали коррекцион, психологик-педагогик тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Кўрсатма:

Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикасини ўтказиш учун Республиканинг барча вилоят шаҳар ва туман (қишлоқ)ларидаги 8-9 синфлари танлаб олинади;

-Ҳар бир вилоятдаги туманлар ҳудудий, этник хусусиятларидан келиб чиқиб танлаб олинади;

-Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикасини ўтказиш жараёнида ҳар бир вилоят бўйича 8-9 синф ўқувчиларининг жами умумий сонининг 12 фоизи қамраб олиниши шарт;

-Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикаси варақалари танлаб олинган мактабдаги синф ўқувчилари сонига қараб кўпайтирилади;

-Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикасини ўтказиш жараёнида ўқувчиларга холис ва эркин жавоб беришлари учун мактаб маъмурияти томонидан барча шарт-шароитлар яратилади;

-Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикасини ўтказишда синф хонасида тинчлик сақланиши керак;

-Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикасининг жавоб варақаларини белгилашда турли рангдаги ручка ва қаламлар билан чизиб ташланмасдан, берилган кўрсатмага биноан бир хил рангда ва битта аниқ жавобни белгилашлари керак; .

-Ўқувчилар томонидан методика саволларига тўлиқ жавоб берилгандан сўнг, жавоб варақалари тарқатилган сони бўйича ўқувчилардан йиғиб олинади;

-Йиғиб олинган жавоб варақалари махсус пакетга жойлаштирилиб, пакет устига, тадқиқот объект (вилоят, туман, шаҳар, мактаб, синф)да ўтказилганлиги қайд этилади;

-Тадқиқотчи томонидан махсус калит билан методика натижалари таҳлил этилади ва умумлаштирилади.

Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикаси натижаларини қайта ишлаш ва шарҳлаш

Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш методикасининг саволлари 7 та тоифага бўлинади:

1.Оила - тарбияланганлик даражасига оилавий муҳитнинг таъсири (ота-она ва фарзанд, ака-ука ва опа-сингил муносабатлари)ни

2.Мактаб - таълим олиш жараёнининг таъсири (ўқитувчи – ўқувчи, ўқитувчи - ота-она, ўқувчи - ота-она муносабатлари, маънавий маърифий тадбирларга муносабатлари).

3.Тенгдошлари - тенгдошларининг (синфдошлари, маҳалладошлари, шахслараро муносабат) таъсири.

4.Суицид - Ўқувчиларнинг руҳий ҳолатлари (стресс, аффект, зўриқиш, сиқилиш на ҳ.к.) ни ўрганиш орқали ўз жонига қасд (суицид) қилишга мойиллигини аниқлаш ҳамда улар учун коррекцион, психологик-педагогик тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш

5.Оммавий ахборот воситалари - Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасига (радио, телевидение, интернет).

6.Ижтимоий фикр - Ўқувчиларнинг ижтимоий фикрини ўрганиш (ватанга, оилага, билим олишга, динга, турли соҳаларга бўлган муносабатлари)

7.Ўз-ўзига баҳо - Ўқувчи шахсининг кундалик фаолиятда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати орқали ўз - ўзини англаши ва ўз имкониятларига тўғри ва холисона баҳо беришларини ўрганиш

Баҳолаш тартиби: Жавоб варақасидаги «**Ҳа**» жавоби учун 3 балл, «**Йўқ**» жавоби учун 1 балл ва «**Баъзида** » жавоби учун 2 балл қўйилади.

30-25 балл - юқори

20-24 - балл -ўрта

19 ва ундан паст балл.

Ҳар бир олинган жавоб варақаси ўқувчиларнинг жинси (ўғил, қиз)бўйича ажратиб олинади, методикада қайд этилган (ҳа, йўқ ёки билмайман) жавоблари бали ҳисобланиб, мактаб, туман (шаҳар) лар ва вилоят кесимида синфлар бўйича қуйида кўрсатилган махсус жадвалга сони ва фоизи киритилади.

Жиззах туманидаги 9 -сонли умумтаълим таълим мактабларининг 5-9-синфларида
ўтказилган ижтимоий фикр сўровномасининг натижалари ҳақида
МАЪЛУМОТ

№		Ўқувчилар сони			Юқори				Ўрта				Паст				
		Жа ми	Ўғил	Қиз	Ўғил		Қиз		Ўғил		Қиз		Ўғил		Қиз		
					сон и	%	сон и	%	сон и	%	сон и	%	сон и	%	сон и	%	
7-синф																	
1	Оила																
2	Мактаб																
3	Тенгдош лари																
4	Суицид																
5	ОАВ																
6	Ижтимо ий фикр																
7	Ўз-ўзига баҳо																

8-синф

1	Оила															
2	Мактаб															
3	Тенгдош лари															
4	Суицид															
5	ОАВ															
6	Ижтимо ий фикр															
7	Ўз-ўзига баҳо															

7-синф

4	Суицид															
----------	---------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

6-синф

4	Суицид															
----------	---------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

5-синф

4	Суицид															
----------	---------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Hurmatli o'quvchi!

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi bugungi kunda Sizning kelajakda oldingizga qo'ygan maqsad va orzu-istaklaringizga erishish yo'lidagi intilishlaringiz, qiziqishlaringiz, dunyoqarashingiz, hayotga bo'lgan talab va imkoniyatlaringiz, shuningdek, yoshlar turmush-tarzida uchraydigan voqea hodisalarga bo'lgan munosabatlaringizni, o'rganish uchun ushbu testni diqqatingizga havola etmoqda. Test savollariga o'zingizning samimiy javoblaringizni bildirishingizni so'raymiz. Quyidagi savollarni diqqat bilan o'qing hamda hatti-harakatlaringiz, xarakter-xususiyatingizga mos keladigan javobni belgilang (Sizga tegishli javobni tagiga chizing).

Marxamat!

№	1-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ха	Йўқ	Баъз ида
1	Ҳар хил авлод вакиллари, ҳақиқатдан ҳам, бир – бирини тушуниши қийин, деб ўйлайсизми?			
2	Ота-Онангизни фикрини доим инобатга оласизми?			
3	Сизда ота-онангиз ва опа-акаларингизнинг фикрларини рад этиш ҳолатлари ҳам учраб турадими?			
4	Бирон-бир иш қилишдан олдан сиз ота – онангиз(оила аъзоларингиз) билан маслаҳат қиласизми?			
5	Сиз туфайли оилангизда ёки мактабда турли низолар пайдо бўлиб			

	турадими?			
6	Ота – онангиз олдида фарзандлик бурчингизни адо этишда доимо маъсулиятни ҳис қиласизми?			
7	Ота – онангиздан шахсий харажатларингиздан ортиқ пул талаб қиласизми?			
8	Сизда вазиятдан чиқиш учун оила аъзоларингиз (ота-она, опа-сингил, ака-ука)га ёлғон гапириш ҳолатлари учраб турадими?			
9	Муаммоларингиз юзасидан оила аъзоларингиз билан ўртоқлашасизми?			
10	Оилангизда сизнинг фикрингиз инобатга олинадими?			
Жами тўпланган балл (“Ха”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)				
№	2-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ха	Йўқ	Баъзида
1	Ота – Онангиз ўқув фаолиятингиз хусусида сизга танбех беришадими ёки мактабга уларнинг қистови билан борасизми?			
2	Фанлардан бериладиган уй вазифаларини мустақил, ўз вақтида ва мунтазам бажарасизми?			
3	Устозларингизни сиз ҳақингиздаги фикрларини ҳар доим ҳам тўғри деб ҳисоблайсизми?			
4	Сиз мактабда бўладиган тadbирларга, жамоат ишларида қатнашасизми?			
5	Мактабда ўқиш биринчи вазифам ва мактабдаги ютуқларингиз тиришқoқлигингизга боғлиқ деб ўйлайсизми?			
6	Сизнинг билимингиз ўқитувчи томонидан ҳаққоний баҳоланадими?			
7	Ўз билимингизни ошириш мақсадида мактаб тўғаракларига ва қўшимча курсларга қатнашишга эҳтиёж сезасизми?			
8	Ўз билимингизни ошириш учун ақлий фаолият билан боғлиқ бўлган машғулoтлар Сизга ёқадими?			
9	Ўқув фанларини бўш ўзлаштиришда ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?			
10	Билимли инсон омадли бўлади деб ўйлайсизми?			
Жами тўпланган балл (“Ха”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)				

№	3-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ха	Йўқ	Баъзида
1	Ўртоқларингиз билан дам олиш вақтларингизни мазмунли ўтказишга ҳаракат қиласизми?			
2	Тенгдошларингиз эришган ютуқларидан хурсанд бўласизми?			
3	Атрофдагилар билан келишган ҳолда барча масалаларни маслаҳатлашиб ҳал этасизми?			
4	Ютуқ ва муваффақиятсизликларингиз бошқалар томонидан тўғри баҳоланадими?			
5	Ўз кечинмаларингизни тенгдошларингиз билан у ким бўлишидан қатъий назар ўртоқлашасизми?			
6	Тенгдошларингиз бирор иш ёки ўқиш юзасидан бирор муайян муаммони ҳал этишда ёрдам беришингизни илтимос қилганда, энсангиз қoтадими?			
7	Тенгқурларингиз ўртасида масъулиятни ўз зиммангизга олишдан ўзингизни олиб қочиш ҳoллари ҳам учрайдими?			
8	Тенгқурларингиз эришган ютуқларга Сиз ҳам қандай қилиб яхшироқ, тезроқ, кам вақт ва куч сарфлаб бажариш мумкинлиги ҳақида ўйлаб			

	кўрганмисиз?			
9	Тенгдошларингиз ёлгон гапирганини сезсангиз, ўғирлик қилса ёки гиёҳванд модда истемол қилганини билсангиз ўртоғингиз ёки дугонангизга танбеҳ берасизми?			
10	Дўстларингиз билан (дискотека, тунги клуб) ва шунга ўхшаш жойларга бориш сизга ёқадими?			
Жами тўпланган балл (“Ха”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)				

№	4-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ха	Йўқ	Баъзида
1	Сизда келажакка умидсизлик ҳисси пайдо бўлган ҳолатлар учрайдими?			
2	Кайфиятингиз ўзгариб, шодлик ўрнини ғам эгаллаши ҳоллари учрайдими?			
3	Муваффақиятсизликка учраганингизда мақсадга эришишнинг осонроқ йўллари кидиришга киришасизми?			
4	Танбеҳни хотиржамлик билан қабул қилиб, хатоларни тезда тўғрилашга ҳаракат қиласизми?			
5	Сизда баъзида ўзингизни бошқара олмаслик ҳолатлари учраб турадими?			
6	Сизда ёлғиз қолиш истаги туғилиб турадими?			
7	Ўзингизни кераксиз одамдай ҳис қиласизми?			
8	Эрталаб уйқудан ўйғонганда ўзингизни оғир ҳис қиласизми?			
9	Ўртоқларингиз (дугонангиз) орасида сизга нисбатан кўраолмаслик, ғаразғўйлик борлигини сезасизми?			
10	Кўпинча кўркув, қайғу ҳисларидан озор чекасизми?			
Жами тўпланган балл (“Ха”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)				

№	5-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ха	Йўқ	Баъзида
1	Газета ва журналларда, бирон – бир жойда жиной воқеада беайб инсон жавобгарлигини ўқисангиз, ўша инсонга бефарқ бўла оласизми?			
2	Сизнинг ҳаётингизда интернет муҳим ўрин тутадими?			
3	Ахборот воситаларида (телевидение, радио) ёшларнинг ҳаёти ва дунёқарашлари тўла акс эттирилмоқдами?			
4	Сизнинг компьютер ўйинларига қизиқишингиз турли хил молиявий муаммоларни туғдирадими?			
5	Бугунги кунда кўп микдорда намоиш этилаётган жангари ва кўркинчли кинофильмлар инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатади деб ўйлайсизми?			
6	Сизга газета ёки китоб ўқишдан кўра, кино ҳамда видеофильм(киносериаллар)лар томоша қилиш ёқадими?			
7	Сиз бирор бир фильм томоша қилаётганда шу фильм воқеалари, қаҳрамонлари кечинмалари билан бирга бўласизми?			
8	Сиз ҳар бир кўрсатув ва эшиттиришдан, газета саҳифаларидаги мақолалардан ўзингиз учун хулоса чиқара оласизми?			
9	Шахснинг шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта деб ўйлайсизми?			
10	Сиз ҳаёт сабоқларини таълим муассасаларидан кўра кўпроқ оммавий ахборот воситаларидан оласизми?			

Жами тўпланган балл (“Ҳа”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)							
---	--	--	--	--	--	--	--

№	6-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ҳа	Йўқ	Баъзида
1	Доим “Етти ўлчаб, бир кесиш” «Аввал ўйлаб, кейин сўйлаш» қоидаларига риоя этасизми?			
2	Дунёда бўлаётган глобал муаммолар (спид, наркомания) нинг олдини олишга ёрдам бера оламан деб ўйлайсизми?			
3	Инсон ҳаётидаги эринчоқлиги туфайли малака, кўникма ва билимга эга бўлмай туриб келажакда муваффақиятга эришиши мумкинми?			
4	Туғилиб ўсган жойингизни ривожланиши учун ўз ҳиссангизни кўшишга тайёرمىсиз?			
5	Инсон тарбияси учун диний билимга эга бўлиш керак деб ўйлайсизми?			
6	Сизнингча инсонлар доимо бир-бирларига кўмак беришлари керак деб ўйлайсизми?			
7	Спорт тўғаракларига қатнашиш Сизнинг жисмоний чиниқишингизга ёрдам беради деб ҳисоблайсизми?			
8	Хулқ-атвор меъёрлари ва қонун-қоидаларига риоя қиласизми?			
9	Ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига путур етказувчи ҳар қандай вазиятга қаршилиқ кўрсата оласизми?			
10	Миллий урф-одатлар ва қадриятларга амал қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи деб ўйлайсизми?			
Жами тўпланган балл (“Ҳа”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)				

№	7-БЎЛИМ САВОЛЛАРИ	Ҳа	Йўқ	Баъзида
1	Ўз сўзингиз ва ваъдангизни бажаришга қодирман деб ўйлайсизми?			
2	Ўз зиммангиздаги мажбурият ва вазифаларни тўла-тўқис бажараяпман деб ўйлайсизми?			
3	Ҳеч қачон, ҳеч нарсада адашмайман деб ўйлайсизми?			
4	Шахсий манфаатларингизни ўзгалар манфаатларидан устун қўясизми.			
5	Ўзаро муносабатларда ўзингизни маданиятли тутасизми?			
6	Ҳар қандай характер хусусиятга эга бўлган инсонларга тўғри баҳо бера оласизми?			
7	Ўз-ўзингизга ва ҳатти-ҳаракатингизга тўғри баҳо бера оласизми?			
8	Ҳар бир ишга қўл уриш учун фақат ўз кучингиз ва билимингизни, зарур деб ҳисоблайсизми?			
9	Муваффақиятсизликка учраганингизда ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?			
10	Ёрқин таассуротларни ва уларни тез – тез алмашилишини ёқтирасиз-у, лекин бунга жон – жаҳдингиз билан интизмаслигингиз ростми?			
Жами тўпланган балл (“Ҳа”-3балл, “Йўқ”-1балл, “Баъзида”-2балл)				